## «ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН!»

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали. Тошкент-86

Бизнинг интервью

# Ҳамкорлик самараси

**Вирендра СИНГХ ДЖАФА,** Ҳиндистон ахборот ва радиоэшиттириш министрлиги масъул секретари

— Уч йилдан буён Ҳиндистонда ахборот бўлимига бошчилик қилмоқдаман. Кинофестиваллар ўтказиш, кино маҳсулотларни экранларга чиқариш, телевидениега раҳбарлик қилиш, кино мутахассисларини тайёрлаш билан шуғулланиш сингари юмушлар менинг зиммамга киради.



Совет кинематографчилари, шу жумладан ўзбек санъаткорлари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ҳақида ёрқин мисоллар келтириш мумкин. Яқин келгуси режаларимиз орасида Ҳиндистонда совет фильмлари кинофестивали ва сизнинг мамлакатингизда эса ҳинд кинолари кўриги бор. Масалан, Ҳиндистонда совет кинолари 25—30 шаҳарда намойиш этилади. 1987 йилнинг июнидан бошлаб 1988 йилнинг июнь ойигача сизнинг мамлакатингизда 200 та ҳинд фильмини намойиш этишга тараддуд кўрилмоқда.

Бундан ташқари кинокўргазмалар, ҳинд киноактёрлари, режиссёрлари, киноарбоблари билан учрашувлар ташкил этилади. Албатта бу учрашувларда намойиш этилган фильмлар ҳақида, ҳинд санъаткорларининг ижодий режалари ҳақида қизғин баҳс бўлади деб ўйлайман.

Бу пайтга келиб ҳамкорликда яратиладиган янги фильмни кўрсатиш ниятимиз бор. Унинг ижодкорлари жаҳондаги кўпгина мамлакатлар учун кинематографчилар тайёрлаш ўчоғи бўлиб қолган Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтининг битирувчилари бўлишади. Бу ишда киноҳужжатчилар ҳам қатнашишади.

Тошкент кинофестивали диққатига ўттизга яқин фильм ҳавола этилди. Делегация таркиби 60 кинематографчидан иборат бўлиб, улар орасида машҳур киносанъаткор Амитаб Баччан бор.

**— Сиз Тошкент кинофестивалини қандай баҳолайсиз?**

— Тошкент фестивалининг ғоят катта аҳамияти бор. У ривожланаётган барча мамлакатлар киносанъати тараққиётини кўзлаб ташкил этилганлиги билан ҳам ибратлидир. Совет киноси кўпгина мамлакатлар, шу жумладан менинг мамлакатим кинематографияси учун илҳом манбаи ҳисобланади. Фестивалнинг руҳи, унинг шиори ҳақида кўп яхши гапларни эшитганман. Эндиликда эса ҳаммасининг яққол шоҳиди бўлиб турибман. Бу ерда биз фақат тажрибаларимизни баҳам кўрибгина қолмай дўстлик алоқаларига асос соляпмиз, шартномалар тузяпмиз, халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаяпмиз.



**СУРАТДА:** Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиларидан бир группаси.

Т. Каримов фотоси.

## Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивали фильмларининг

# РЕПЕРТУАРИ

**«ФЕСТИВАЛЬ» КИНОТЕАТРИДА**

**23 майда** — Барибир сени севаман (Аргентина), Суиқасд (Мексика).
**24 майда** — Гаваналик қонхўрлар (Куба), Алев (Туркия).
**25 майда** —Токиога сафар (Япония), Қирол Рио (Бразилия).

**«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА**

**23 майда** — Никоҳ кечаси (2 серия, Бангладеш).
**24 майда** —Қаллиқ (Туркия), Танго (Аргентина).
**25 майда** —Гонза (2 серия, Япония).

**ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА**

**23 майда** — Денгиз соҳилидаги муҳаббат (2 серия, Ҳиндистон).
**24 майда**— Гонза (2 серия, Япония).
**25 майда** — Никоҳ кечаси (2 серия, Бангладеш).

**«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА**

**23 майда**— Денгиз ҳақида баллада (2 серия, Япония).
**24 майда**— Мирзанинг бошмоқлари (Эрон); Ориноко (Мексика).
**25 майда** — Тобут ташийдиган машинани кутиб (Аргентина), Алев (Туркия).

**«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА**

**23 майда** —Лаучанинг уйланиши (Аргентина), Уруш болалари (Япония).
**24 майда** — Дайди ва оққуш (ХХР). Олтин бутси (Мексика).
**25 майда** —Қоплон даври (Мозамбик). Танго (Аргентина).

**М. ШАЙҲЗОДА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА**

**23 майда**— Ёлғиз қиз (2 серия. Ҳиндистон).
**24 майда** — Денгиз соҳилидаги муҳаббат (2 серия, Ҳиндистон).
**25 майда** — Тора-сан оролда (Япония). Кўзбойлоғич ўйини (Туркия).

**САНЪАТ САРОЙИДА**

**23 майда**— Барибир сени севаман (Аргентина).
**24 майда** — Алев (Туркия).
**25 майда** — Қирол Рио (Бразилия).

**«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА**

**23 майда**— Тобут ташийдиган машинани кутиб (Аргентина). Курашчи (Туркия)
**24 майда** — Севги тарихи (2 серия, Бангладеш).
**25 майда** — Қаллиқ (Туркия), Суиқасд (Мексика).

**ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА**

**23 майда** — Севги тарихи (2 серия, Бангладеш).
**24 майда** — Денгиз ҳақида баллада (2 серия, Япония).
**25 майда**— Гаваналик қонхўрлар (Куба). Комила (Аргентина).

**«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА**

**23 майда** —Гўшт (Бразилия), Олтин бутси (Мексика).
**24 майда** —Токиога сафар (Япония). Комила (Аргентина).
**25 майда**— Мирзанинг бошмоқлари (Эрон), Шико (Бразилия).

**ҲАМЗА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА**

**23 майда** — Қўшиқчи (2 серия, Ҳиндистон).
**24 майда** — Тобут ташийдиган машинани кутиб (Аргентина), Сатанг аёл кундалиги (Япония).
**25 майда** — Денгиз соҳилидаги муҳаббат (2 серия, Ҳиндистон).

**«ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА**

**23 майда** — Синиш (Алжир), Ориноко (Мексика).
**24 майда** — Олдинда яна куз (2 серия, Ҳиндистон).
**25 майда**— Давид учун қаллиқ (Куба), Сатанг аёл кундалиги (Япония).

**«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА**

**23 майда**— Гаваналик қонхўрлар (Куба). Сатанг аёл кундалиги (Япония).
**24 майда**— Мексика АҚШга қарши (Мексика), Кўзбойлоғич ўйини (Туркия).
**25 майда**— Дайди ва оққуш (ХХР), Барибир сени севаман (Аргентина).
Халқаро тинчлик йилига бағишланган фильмлар ретроспективи.

**«ИСКРА» КИНОТЕАТРИДА**

**23 майда**— Уйқудаги итлар (Янги Зеландия), Қирол Рио (Бразилия).
**24 майда** — Альсино ва Кондор (Никарагуа — Куба), Суиқасд (Мексика).
**25 майда** — Амок (Марокко), Курашчи (Туркия).

# «Оқшом»га ХАТЛАР

Оталар жасорати унутилмайди

# Сўнмас машъала

Заводимиз музейига 1974 йилда асос солинган эди. Шундан бери ўтган вақт мобайнида унинг экспонатлари тобора кўпайиб бораяпти. Эндиликда музей биноси торлик қилиб қолди. Бинони кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди. Реконструкция тугагач, музей шаҳримизнинг машҳур музейлари билан рақобатлашадиган бўлиб қолади...

Ўша машъум уруш бўлмаганида балки улар ҳаёт бўлишарди. Корхона ишчиларининг осуда турмушини остин-устун қилиб юборган бу уруш заводнинг 187 кишисини сафарбарликка чорлади. Улар кўнгиллилар қатори фронтга жўнаб кетишди. Қариялар, аёллар, болалар ғам ва алам билан уларни кузатиб қолишди. Кузатувчиларнинг жовдираб турган кўзларидан «тезда ғалаба билан қайтинглар» деган маънони уқиб олиш қийин эмасди.

Ҳамкасбларимиз юртдошлари юзини ерга қаратишмади. Оловли жангларда жон олиб жон беришди. Улардан етти киши корхона қучоғига қайтиб келди, холос. Қурбон бўлганлар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари В. А. Малясов ва П. М. Ржевскийлар бор эди. Оддий солдат С. Амиржонов, К. Расулов, М. Мирошниченко, М. Санжибоевлар ёвга қирон келтиришиб, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилдилар.

Корхона ҳовлисидаги жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик атрофи доимо одамлар билан гавжум. Ёдгорлик пойига қўйилган ранг-баранг гулларнинг анвойи ҳидидан атроф муаттар. Ёдгорлик ёнига ўрнатилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Малясов ҳайкали бугун ҳар қачонгидан салобат тўкиб турибди. «Зангори олов»нинг ўтли тили теваракка яшиндек нур таратиб, мангулик қўшиғини куйламоқда.

Музейга кириб-чиқаётган кишилар кўз олдида бутун бир тарих тилга киради. Рўпарада А. Казарян ва Е. Анвистларнинг фронтдан юборган расмлари осиб қўйилган. Улар урушга кетишганда эндигина ўн тўққиз ёшга киришганди. А. Казарян сафдоши Е. Анвист билан мислсиз жасорат кўрсатди. Номи жангчилар тилига тушди. Ҳатто тутқунликда ҳам тушкунликка берилмади. У «Бухенвальд» концлагерида ҳарбий асирларнинг яширин группасига бошчилик қилди. 1944 йилда лагердан қочди. Ҳозирда у пенсионер, Ереванда яшайди. А. Казарян корхонага бир неча марта келиб-кетди. Ёшларга уруш хотираларидан ҳикоя қилиб берди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Е. Тихомолов, солдат ва офицерлар Е. М. Муротов, Е. И. Зараев, С. Ф. Тихоновлар ғалаба билан урушдан қайтиб келишди. Уларнинг кўпчилиги тинч қурилиш йилларида яна ўз корхоналари қучоғида меҳнат фаолиятини давом эттирдилар.

Музей залларидан бирида урушда ҳалок бўлган заводимиз ишчилари дафн этилган турли ўлка қабрларидан келтирилган хок-ёдгорлик сақланади. Улар Брест, Прага, Варшава, Москва, Минск, Волгоград шаҳарлари учун жон фидо қилган ҳамкасбларимизнинг хокидир. Бугун биз ўша оғир йилларда мамлакат ичкарисида фидокорона меҳнат қилган ветеран ишчилар, аёллар, ўсмирлар номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мана, 1944 йилнинг 31 апрелида Москвадан олинган радиограммадан кўчирма. Унда меҳнатдаги улкан муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ завод директори К. Г. Костин Қизил Юлдуз ордени, оддий ишчилар В. П. Капустин И. Н. Афанасьев ва бошқалар эса «Ҳурмат белгиси» орденлари билан мукофотланганликлари таъкидланган.

Ҳа, корхона аҳли уруш йиллари янада ғайрат билан ишлади. Завод кенгайди. Янги корпуслар қурилди. Ишлаб чиқариш қуввати ошди. Фронтга мўлжалланган янги техникалар ўзлаштирилди.

Музей бутун корхона ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерга қадам ранжида қилган киши заводнинг ташкил топиши, ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги билан батафсил танишиб чиқади. Шунинг учун бўлса керак мактаб ўқувчилари, уруш ва меҳнат ветеранлари тез-тез корхонада бўлишиб, унинг шон-шуҳрат музейи меҳмони бўлишади. Музей дафтарларида турли адреслар, турли одамларнинг хотира таассуротлари ўрин олган. Мана, улардан бири:

«Яқинда биз синф раҳбаримиз Валентина Александровна Помикалова билан завод музейида бўлик, —деб ёзишади Сергели районидаги 8-ўрта мактабнинг 7-«В» синф ўқувчилари. — Музей экспонатлари бизда катта таассурот қолдирди. Унда корхона ташкил топган кун ва ўша оловли йиллардан тортиб, то бугунги порлоқ кунимизгача бўлган ҳаётий лавҳалар ўрин олганлиги бизни ниҳоятда хушнуд этди. Экскурсовод Владимир Васильевич Кузьменконинг уруш қаҳрамонлари ҳақидаги ҳикоясини мароқ билан тингладик ва оталаримиз кўрсатган мардлик ва жасоратга тан бердик. Бу фидойилик сўнмас машъаладек ҳамиша биз ёшларнинг йўлини ёритиб туради. Бугун биз ёрқин келажак учун жонини қурбон қилган Ватандошларимиз хотираси олдида бош эгамиз».

**Ю. ВУКОЛОВ,**
**Меҳнат Қизил Байроқ орденли 243-Гражданлар авиацияси авиаремонт заводи касаба союз комитетининг раиси.**

Шундай одамлар бор бўлсин

# «ҚАЕРДАСИЗ, ОНАЖОН?»

**«Ҳурматли редакция! Ушбу мактубни Сизлардан ёрдам сўраб, ҳаётимни сақлаб қолган ҳалоскоримни топиб беришга кўмаклашсангиз деган умид билан ёзяпман. Бу ажойиб шифокорнинг исми Алла Ивановна Джебсишвили. Мен туғилган йили—1969 йилда бу аёл бир ой бизнинг қишлоғимизга бориб, ишлаб қайтган экан.**

**Отам Валижон Икромов, онам Саидахон Икромоваларнинг айтишларича, мен ўн саккиз кунлик чақалоқлигимда жуда қаттиқ оғриган эканман. Шунда Алла Ивановна бутун меҳрини, билимини бахшида этиб мени даволаган, кечаларни онам билан бирга бедор ўтказган экан.**

Онам бу меҳри дарё инсонни тез-тез тилга оладилар.

— Сенинг иккинчи онанг у киши, ҳаётингни сақлаб қолган онанг!— дейдилар.

Алла Ивановна Тошкентга қайтгач ҳам хат орқали менинг аҳволимни билиб турган.

— Афсус, рус тилини яхши билмаганимиз учун бу ажойиб аёлга тузукроқ жавоб хати ҳам ёзолмаганмиз, эслайдилар отам.

Уйимиз тўрида узоқ йили Алла Ивановнадан келган ягона суратни (юқорида — ўнгда) авайлаб сақлаймиз. Алла Ивановна икки қизи билан тушган бу сурат ортида қуйидаги ёзувлар бор: **«На память Икромовой Саиде от Алли Ивановни. Ташкент, апрель, 1970 г.»** Кўк шарикли ручкада ёзилган бу дастхат остида бошқа одам дастхати билан, ручкада сафсар сиёҳда **«Ташми, клиника детских болезней. Клиника проф: Александрова. Вр. Джебсишвили Алла Владимировна. Канд. мед. наук»**, деб ёзилган... Негадир Алла Ивановна Алла Владимировна дейилган...



Алла Ивановнадан келган хатлар ҳозир йўқ. У кишини излаб ТошМИга ҳам мурожаат қилдик. Аниқ жавоб ололмадик. Чилонзорда яшайди, деб ҳам эшитганмиз.

Хуллас, ўша меҳрибон шифокоримни, ҳалоскоримни излаяпман.

Балки, Алла Ивановна Тошкентда бўлсалар у кишини таниган, билган одамлар бўлса, менинг бу хатимни ўқиб, бизга маълум қиладилар деган умиддаман.

Мухтарама Алла Ивановна онамларнинг айтишларича, ўғлингиз ўн етти ёшга тўлганда бир кўришайлик,— деган экансиз. Мана бу йил мен ўн еттига тўлдим. Ҳозир қишлоғимиздаги 6-ҳунар-техника билим юртининг безакчилар тайёрлаш бўлимида «аъло» баҳолар билан ўқияпман. Мен сизни кўришни истайман. Қаердасиз, жавоб беринг, менинг иккинчи онам!

Бизнинг адрес: 717006. Наманган область, Поп районидаги Санг қишлоғи. Икромов Набижонга деб ёзинг.

Эҳтиром билан: **Н. Икромов».**

Набижон Икромов илтимосига кўра унинг дил сўзларини Поп районидаги «Коммунизм учун» газетаси ходими **Ортиқали НОМОЗОВ** қоғозга тушириб, «Оқшом» редакциясига йўллаган.



«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Гулнора Убайдуллаева ҳамкасблари ўртасидаги мусобақада ғолиблик қилмоқда. Бу меҳнатсевар қиз ўзининг ишчанлиги ва тиришқоқлиги билан коллектив ўртасида шуҳрат қозонди.

Луқма

# «КЕМА»-УЙ

**Муболаға қилаётганимиз йўқ. Биз истиқомат қилаётган 2-«Ташавтомаш» массивидаги 64-уй кемани эслатади. Унинг ертўласи доимо сув билан лиқ тўла. Денгиз кемасидан фарқи, сувининг ифлослигида, пашша, чивин сингари касаллик тарқатувчи зараркунандаларга маконлигидадир. Ёз ойларида биринчи қаватда яшаётганлар бурунларига дока боғлаб ётишади. Аксига олиб, қўланса ҳид дераза, эшик тирқичларидан кириб кўнгилларини айнитаверади. Бири туриб жаҳл билан чивинларга қарши «жанг» бошлайди, бошқаси тоза ҳаво қидириб ташқарига чиқади. Бироз нафас рослагандан кейин хонадонларига чопиб киришади.**

**Деярли ўн йилдан буён аҳвол шундай. 67-ЖЭУ раҳбарлари ўзлари норасмий ташкил этган «асаби маҳкам, чидамли аҳолига» совринини шу уйда яшаётганларга беришга аҳд қилган кўринишади. Акс ҳолда уларнинг хат ва шикоятларига эътибор бериб, ертўладаги ёрилиб кетган қувурларни алмаштириш чораларини кўришган бўлишарди. Куйбишев райони турар жой эксплуатация бошқармаси раҳбарлари ҳам ЖЭУ ходимларининг «янги таклифларини» маъқуллашганга ўхшайди. Хуллас, уйда яшаётганлар бардош билан кун кечириб, тонг оттиришаяпти.**

**Б. КАРИМОВ,**
**хизматчи.**

Диққат, премьера

# «Асрга татигулик кун»

**«Жамият ёзувчилардан бадиий кашфиётларни, ҳаёт ҳақиқатини кутмоқдаки, бу фазилатлар ҳамиша чинакам санъатнинг моҳияти бўлиб келди», — дейилади КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида.**

**Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва СССР Давлат мукофотларининг лауреати Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи ана шундай ҳаёт ҳақиқатини юксак бадиий ифодаларда тасвирланган асарлигини ҳамма тан олди ва бу асарнинг катта муҳаббат ва қизиқиш билан ўқилаётганлиги сир эмас.**

**Ана шу роман асосида яратилган пьесани Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театри саҳналаштирди. Театр коллективи бу йилги Бухоро, Самарқанд ва Навоий областларига қиладиган гастроллари олдидан мазкур спектаклни томошабинларга туҳфа этиш ниятида.**

**Бу романнинг саҳна варианти аввал Москва театрларида ўйналган бўлса ҳам, Ўрта Осиё республикаларида биринчи марта саҳналаштирилишидир.**

**«Асрга татигулик кун» пьесасини СССР халқ артисти Озарбайжон Мамбетов ёзган. Уни ўзбек тилига Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Эркин Воҳидов таржима қилди.**

**Бу мураккаб ва фалсафий асарни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рустам Ҳамидов поэтик-драматик талқинда саҳналаштирмоқда. Асарда илгари сурилган инсон буюклиги ҳақидаги ғоя айрим халқларгагина хос бўлиб қолмасдан балки умумбашарий ўлчов эканлиги акс эттирилган.**

**Чексиз-тубсиз коинотдаги кичкина планетамизнинг Бўронли бекатида содир бўлаётган воқеалар кишини ҳаяжонга солади. Ўйлатади. Едигейдек оддий темир йўл ишчисининг пок туйғулари, ҳаёт ҳақидаги тушунчалари, инсоннинг замон ва макондаги қадр-қиммати ҳақидаги фикрлар нақадар инсоний эканлигига кишини ҳайратлантиради, унинг ғамига шерик, дардларига малҳам бўлгиси келади одамнинг. Едигей ролини СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ўйнамоқда.**

**СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева бу спектаклда ривоятларда яшаб келаётган катта қалбли Найман она — ўз ўғли Жўломон отиб ҳалок қилган аёл. У дафн этилган жой Онабайт қабристони деб аталган муқаддас ер. Жўломон босқинчилар — жуан-жуанлар томонидан асир олиниб манқурт қилинган йигит. Асарда тасвирланишича манқуртлар фақат хўжасининг айтганини сўзсиз бажарадиган, хотирасидан мутлақо жудо қилинган одам қиёфасидаги маҳлуқдир. Уларнинг ҳеч қандай муқаддас нарсаси йўқ. Шунинг учун «эга»лари «от!» деса онасини ҳам отаверади. Сора Эшонтўраева яратаётган она образи орқали инсоннинг буюклиги ўз она тупроғи, маданияти, тарихи, бугуни ва келажаги билан ўлчаниши намоён бўлади. Спектаклга таниқли композитор Нурилла Зокиров воқеалар ривожига мос музикалар яратди.**

**Саҳна безакларини рассомлар — Убайдулла Сайдалиев ҳамда Анатолий Жибоедовлар чиздилар.**

**Спектакль тез кунда ўз томошабинлари билан юз кўришади деган умиддамиз.**

**Ҳайдар МУҲАММАД.**

## СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

**В. ҚОБИЛОВ, А. НАБИЕВ: Биз Тошкент трактор заводида ишлаб турганимизда ҳарбий хизматга чақирилдик. Айтингчи, бизнинг хизмат давримиздаги 13-маош сақланадими?**

**Жавоб:** СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳамда ВЦСПС Президиумининг 1977 йил 6 июлдаги 217/II—9 сонли қарори билан тасдиқланган, ишчиларни йил мобайнидаги меҳнати эвазига йил якунида бериладиган маош тартиби ва шартлари ҳақидаги тавсиясига асосан ҳарбий хизматга чақирилганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ишчи ва хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўтаган даври учун ўн учинчи маош тўланмайди.

***

**С. ХОЛМАТОВ: Мен комбинатга 3 ой муддат билан ишга кирдим. Муддат ўтганидан кейин ҳам ишни давом эттирдим. Энди ишдан бўшамоқчиман. Айтингчи, хоҳлаган вақтда ишдан бўшашим мумкинми?**

**Жавоб:** Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари Кодексининг 23-моддасига мувофиқ маълум муддатга тузилган меҳнат шартномаси муддати тамом бўлганидан сўнг томонларнинг келишуви билан яна янги муддатга меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.

Агар шартнома муддати тамом бўлишига қарамасдан меҳнат алоқаси йўқолмаган бўлса, ҳар икки томон ҳам ишни тўхтатишни талаб қилмаса, у ҳолда меҳнат шартномаси номуайян муддатга узайтирилган ҳисобланади.

Демак, сиз ўз ихтиёрингиз билан ишдан бўшовчилар қаторида маъмуриятни бу ҳақда икки ой аввал огоҳлантириб қўйишингиз керак.

***

**У. САИДОВА: Мен «Узбекхлопком а ш» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлик заводининг қуюв цехида икки сменали ишда ишлар эдим. Эримнинг каникул кунлари тугаб, институтга дарсга қатнай бошлади. Мен сменали ишда ишлаганимда боламизга уйда эрим қараб турарди. Энди эса боламизга қарайдиган ҳеч ким йўқ бўлгани учун иккинчи сменада ишлай олмайдиган бўлиб қолдим. Завод кадрлар бўлими мени бир сменали иш билан таъминлаши шартми?**

**Жавоб:** Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат қонунлари кодексининг XI бобида кўрсатилган қоидаларга асосан оғир ишларда ва меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда (бундай ишлар рўйхати қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган) аёллар меҳнатини қўллаш тақиқланади.

Аёлларни тунги (тунги иш кеч соат 10 дан эрталаб 6 гача ҳисобланади) ишларга жалб қилишга (алоҳида зарурат бўлган ва вақтинчалик чора тариқасида рухсат берилган халқ хўжалик тармоқларидан ташқари) йўл қўйилмайди.

Ҳомиладор аёлларни ва эмизикли боласи бўлган оналарни, шунингдек боласи бир ёшга етмаган аёлларни тунги ишларга жалб қилишга, иш вақтидан ташқари ишлатишга, дам олиш кунларида ишлашга чақиришга ёки командировкага юборишга йўл қўйилмайди.

Эмизикли боласи бўлган оналар ва бир ёшга етмаган боласи бўлган аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, аввалги ишидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда боласини эмизадиган бутун муддатга ёки боласи 1 ёшга тўлгунига қадар бошқа ишга ўтказиладилар.

Агар бола эмизикли бўлмаса, бир ёшдан ошган бўлса ҳамда аёлнинг иши оғир шароитли, зарарли бўлмаса у ҳолда аёлни тунги сменада эмас, кечқурунги, яъни иккинчи иш сменасига жалб қилиниши қонунга хилоф ҳисобланмайди.

**А. ҲАСАНОВ,**
**юрист.**

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

